АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН

Ойдан-да гўзал...

ШЕЪРЛАР

«Андижон»
нашриёти,
1997

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тузувчи, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи филология фанлари доктори **Исмоил ТЎЛАКОВ**

Чўлпон.
Ойдан-да гўзал... Шеърлар
«Андижон» нашриёти, 1997 йил, ...бет

Ўзбек халқининг буюк фарзандларидан бири, ёрқин истеъдод соҳиби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг мазкур тўпламига шоирнинг шеърхонлар севиб ўқийдиган машҳур лирик ва ижтимоий-сиёсий мавзудаги асарлари танлаб олинди.

Китобча шеърият муҳлисларининг буюк шоиримиз асарларига бўлган чанқоғини қондиришга маълум даражада ёрдам беради деб ўйлаймиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАҚ ЙЎЛИ, АЛБАТТА, БИР ЎТИЛГУСИ...

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон нафақат ўзбек адабиёти тараққиётида, балки бир қатор туркий халқлар адабиётида алоҳида ўринга эга бўлган улкан истеъдод соҳибидир. У том маънода Шарқ адабиёти осмонида ёруғ юлдуз - ЧЎЛПОН бўлиб порлади. У XX аср туркий халқлар шеърий оламида янги руҳ, янги кайфият шоири сифатида танилди.

У «жаҳон фотиҳлари чангалида эзилиб ётган Шарқ ўлкалари» дарду ҳасратини куйлаган фидойи инсон сифатида туркиялик Тавфиқ Фикрат, озарбайжонлик Муҳаммад Ҳоди ва татаристонлик Абдулла Тўқай сафларида туради. Унинг истиқлол руҳи билан суғорилган оташин шеърлари ўзбек лирикасида янги даврни бошлаб берди. Унинг насрий ва драматик асарлари маҳорат жиҳатидан XX аср жаҳон адабиёти дурдоналари даражасидадир. 20-йилларда ўзбек адабиётига кириб келган Ғайратий, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ. Олимжон, К. Яшин, Миртемир, Уйғун, У. Носир каби

www.ziyouz.com kutubxonasi

шоир ва ёзувчиларнинг барчаси Чўлпон яратган адабий мактабнинг дастлабки талабалари бўлдилар.

Ўтган асрнинг охири ва шу аср бошларида фаолиятига алоҳида шиддат берган жадидизм ҳаракати таъсирида бўлган Чўлпон ўз халқи келажаги учун қайғураётган фаол ижодкор сифатида танилди. «Унинг ўткир нигоҳи инсон руҳиятининг энг олис пучмоқларигача етиб борар, теран тафаккури эса турфа хил ҳодисалар қатидан ҳаракат нуқталарини кашф қиларди. Чўлпон маҳорати шунчалар юксак эдики, у қаламнинг бир енгил ҳаракати билан сўз лашкарларини истаган измига сола биларди». (Озод Шарафиддинов).

Чўлпон «Булоқлар» (1922), «Уйғониш» (1923), «Тонг сирлари» (1926), «Соз» (1935) номли шеърий тўпламларини чоп эттирди. Унинг «Жўр» мажмуаси нашр этилмади.

Шоир лирикасининг етакчи образлари миллат. . . Ватан экан, бу табиий ҳол эди. Чунки унинг адабиёт даргоҳига келиши ҳар томонлама эзилаётган халқнинг маънавий жиҳатдан уйғониш даврига тўғри келди. Миллий уйғониш мавзуи унинг ижодида асосий ўринни эгаллади.

Бадиий асар тарих кўзгуси. Унда у ёки бу давр ижтимоий-сиёсий воқеалари озми-кўпми ўз бадиий-фалсафий ифодасини топади. Ижодкор даврининг онгли ва фидойи фуқароси сифатида ўзи кўрган-билган воқеага муносабат билдиради. Унинг ютуқ ва камчиликларини бадиий таҳлил этади. У ўз даврининг фидойи

www.ziyouz.com kutubxonasi

фарзанди экан, оқни оқ, қорани қора дейиши керак. Чўлпон ҳам фидойи фарзанд сифатида 20-йилларда Туркистон ўлкаларида юз бераётган тарихий воқеаларга бефарқ қараб тура олмади. Миллат изтироблари унинг қалбида мунгли акс-садо бердики, буни ўша давр тарихий шароитидан келиб чиқиб баҳолаш керак бўлади.

Чўлпон йиғлаётган халқнинг дил лавҳаларини сатрларига кўчирди. Унинг шеъриятидаги кайфият илдизлари миллат қалбидаги безовта дардларга бориб тақалади. Миллат эса андуҳлар занжирида абадий қолиб кетмайди. Эрк йўлида тинимсиз курашади, изланади, оқибат натижада унга эришади. Чўлпон шеърларининг қаҳрамонларида ҳаётга умид кўзи билан қараш туйғулари асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам у ўз халқига қарата шундай хитоб қилади:

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, Сен-да инсонсен,
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен!

Ўз замондошларидан фарқли ўлароқ Чўлпон халқнинг қалбидаги тенгсиз куч-қудратга ишонди. Мана шу ишонч ва муҳаббат «Халқ» шеърида юксак бадиий маҳорат билан ифодаланади. «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир», дея халқнинг қудратини таъкидловчи сатрлар билан бошланувчи бу шеърда эзилган қалб нидолари эмас, балки зулмга қарши

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиддат билан курашга чоғланган инсон руҳияти чизилади. Шунинг учун ҳам у «Халқ кўзғолса куч йўқдуркин, тўхтатсун, Қувват йўққим, халқ истагин йўқ этсун», деган фикрлар қатига алоҳида бир қатъийлик қудратини жойлайди:

Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка.

Чўлпоннинг 20-йиллардаги орзуси 90-йилларга келиб ушалди. Халқ бағрига эрк қуёшининг нурлари етиб борди. Истиқлолга эришди. Эрк ва Озодлик деган сўзлар ўзининг чинакам маъноларига эга бўлди. Истиқлол ўзининг беминнат нурларини сочиб турган мамлакатда Қадр ўз ўрнини топди. «Ўз юртини ҳар нарсага тўқ» этадиган халқ фидойи фарзандларини эслади, улар яратган илмий-адабий меросларнинг қадрига ета бошлади. Чўлпон ва Чўлпон қатламидаги фидойи фарзандлар ўзларининг чинакам баҳоларини олдилар. Уларнинг ошиқона ва орифона шеърияти, теран реализм булоқларидан тўйинган насри ва драматик асарлари, халқнинг қалбидаги сўниб бораётган алангани қайтадан оловлантира олган публицистик мақолалари бебаҳо мулкка айланди.

Бу мулк доимо Чўлпонсевар халқники бўлиб қолаверади.

Исмоил ТЎЛАКОВ,
филология фанлари доктори.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

Бир эсиб ўтдилар, «Уйғониш» еллари,
Бир қайнаб-тошдилар кўз ёши - «Булоқлар».
Ай, тонгда қалтираб ўйнашқон япроқлар,
Тек туринг, ёйилсин энди...
«Тонг сирлари!»...

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУЙГАН ЧОҚЛАРДА

Гўзалларнинг маликаси экансан,
Буни сенинг кўзларингда ўқидим;
Ўқидим-да, истиқболим қушига,
Хаёлимдан олтин қафас тўқидим.

Гунафшалар қулоғимга мадҳингни,
Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади...
Аламзада булбул йиғлаб кечалар,
Аламингни сўнгин тамом этмади.

Кўзингдаги ҳикоянинг мазмунин,
Шоир бўлсам, айтиб-айтиб йиғлардим;
Ўшал эски жароҳатли қалбимни,
Сатрларнинг наштари-ла тиғлардим.

Хаёлимнинг қип-қизилдан кийинган
Парилари, ҳурларини кўрдингми?
Аламимдан гуллар эккан йўллардан
Коинотга ҳаёт сочиб юрдингми?

Йўлларингда «шитир» этса сўлган барг,
Қулоғимга мусиқалар келтирур;
Қачон сенинг мусиқали овозинг
Сенинг мени «суйганингни» билдирур?..

1921 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГЎЗАЛ

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: «Мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!..»

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,
Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа,
Ул-да айтадирки: «Қизил ёнгоққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..»

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: «Бир кўриб, йўлнмдан ўзиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни: шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..»

Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.
Ул-да уятидан беркиниб, қочиб,
Айтадир: «Бир кўрдим, тушдамас ўнгда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир... мендан-да гўзал!..»

Мен йўқсил на бўлиб уни суюбмен?!
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куюбмен.
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйуб...мен суйуб...кимни суйубмен?
Мен суйган «суюкли» шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!

Тошкент, 1919 йил, февраль.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЛҚ

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ қўзғолса куч йўқдирким, тўхтатсун,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсун.

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади: тож ва тахтлар йиқилди.

Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсун унинг бошидаги кўланка.

Бир қўзғолур, бир кўпирар, бир қайнар,
Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.

Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!

Бухоро, 1921 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЛУҒ ЙЎЛДА

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,
Босгувчисин таниб бўлмаслик излар.
Шул изларни босиб, денгизлар кечиб,
Буюк амал билан борамиз бизлар.

Юракдаги сақлаб борган амаллар,
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ.
Эзилганлар тилак тилар бу йўли
Бурунгидан тўлуғроқ.

Маҳкам қилиб боғланилган камарлар!..
-Тезроқ!
-Қанот!
-Қушлар янглиғ учайлик...
Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик,
Шарқнинг эски чигалини ечайлик!

Тошкент, 1920 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЗ

Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар
Оғриқ, мағлуб, тутқин Шарқнинг юзидек;
Бўронларнинг кўзлариким, ўйноқлар
Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек.

Қора булут тўдасиким, кўкларни
Шарқни ёпган парда янглиғ ёпмишдир;
Куз қўшини оғу тўлиғ ўкларни
Ёз бағрига ҳеч саноқсиз отмишдир.

Бало янглиғ қатор-қатор чизилиб,
Кўк юзидан қарғалар ҳам ўталар;
Шарқдек ичдан яширингина эзилиб,
Кўп жонлилар сўнгги тинни кутталар.

Бутун борлиқ чоғлиқ ўчиш олдида,
Совуқ... қора қишга кўчиш олдида...

Бухоро, 1921 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮРТ ЙЎЛИ

Узоқ... оғир йўлга чиққан йўлчимен,
Бу йўлларда қилоғузим* юлдуздир;
Мен юртимнинг пок истакли кучимен,
У юлдузнинг туғилиши кундуздир.

Томирларим олов каби қайнаган
Қонларини кечмишлардан олмишдир.
Билагимда ирғиб, чопиб ўйнаган,
Унутмаким, оёқларинг толмишдир.

Узоқ йўлнинг йўлчисимен, борамен,
Истагимни бу йўллардан оламен!

Бухоро, 1922 йил.

*қилоғузим - етакчи, йўл бошловчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЗИЛГАН ЎЛКАГА

ДОСТОН

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нима учун бошингда қуюқ булут кўланка?

Учмоҳ*ларнинг кавсари энг покиза;
Садафларнинг донасидек топ-тоза
Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан
Томчилари ёмғир каби учаркан,
Нима учун йиғлар каби инглайлар?
Ёв... борми? деб тўрт тарафни тинглайлар?
Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,
Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар
Ҳар қоронғу, қўрқунч туннинг бетида
Шифо истаб келмасин дер қўноқлар!
-Бу нега?
-Айт менга!
Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилган,
Устларида на пода бор, на йилқи.
Подачилар қайси дорга осилган?

* учмоҳ - жаннат

www.ziyouz.com kutubxonasi

От кишнаши, қўй маъраши ўрнига
-Оҳ йиғи,
Бу нега?
Туморчалар, ҳамойиллар* тақинган,
Далаларда лола барги ёпинган,
Тоғ-тошларда ўйин қилган,
Чопинган
Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?
Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да:
Хароб бўлган элдан-да!
От минганда қушлар каби учгувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,
От чопганда учар қушни тутгувчи,
Учар қушдек ёш йигитлар қаерда?
Тоғ эгаси - сор бургутлар қаерда?

***

Сенинг қаттиқ сирт бағрингни кўп йиллардир эзганлар,
Сен безсанг-да, қарғасанг-да, кўкрагингда кезганлар.
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар
Эгасини бир қул каби қизғонмасдан янчалар.
Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга?
Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қулларга?
Нега тағин танларингда қамчиларнинг кулиши?
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?
Нега бунча умидсиздир турушинг?

* ҳамойиллар - бўйинга осиб юриладиган нарса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нима учун кўзларингда туташгувчи олов йўқ?
Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?
Нима учун ғазабингни уйғотмайди оғу-ўқ?
Нима учун борлиғингда бу даража бузғунлик?
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?
Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?

***

Кел, мен сенга қисқагина достон ўқий,
Қулоғингга ўтганлардан эртак тўқий.
Кел, кўзингнинг ёшларини сўриб олай,
Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай...

Нима учун ағдарилган, йиқилган,
Оғир тожнинг заҳар ўқи кўксингда?
Нима учун ёвларингни бир замон
Йўқ қилғудек темирли ўч йўқ сенда?

***

Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка,
Нега сенинг бўғзингни бўғиб ётар кўланка?..

1920 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЗОД ТУРК БАЙРАМИ

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!
Қардошлар, қандай замон!
Шодликка тўлди жаҳон!
Фидо бу кунларга жон!

Нақорат
Туркистонли - шонимиз, туронли унвонимиз,
Ватан - бизим жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

Бизлар темир жонлимиз!
Шавкатлимиз, шонлимиз!
Номусли, виждонлимиз!
Қайнаган турк қонлимиз!

Нақорат
Бўлди кенглик, зўрлик йўқ;
Берилди бизга ҳуқуқ!
Тараққийга йўл очуқ!
Жаҳолатга йўл ёпуқ!
Нақорат
Мухторият олинди,
Ишлар йўлга солинди,
Миллий маршлар чолинди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Душман ўртансун энди!

Нақорат

Шодлик, хурсандлик чоғлар,
Кетсун юракдан доғлар,
Ватан боғиндан зоғлар!
Селкилласун байроғлар!

Нақорат

Ҳуррият - байроғимиз,
Адолат - ўртоғимиз,
Хурсанд бўлган чоғимиз
Мевалансун боғимиз!

Нақорат

Турк бешиги - Туркистон!
Ери олтун, тоғлари кон!
Болалари қаҳрамон!
Ватан учун берур жон!

Нақорат

Туркистонли -шонимиз, туронли - унвонимиз,
Ватан - бизни жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

1917 йил, ноябрь-декабрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕГИМ

Сўлқиллаб келасан, ўзбегим,
Маърифат отига отланиб,
Бир мири топган боладай -
Оғзингни иржайтиб. .. суюниб!
Дунёда ҳамма халқ қизиққан -
Гавҳардек бебаҳо от эдинг
Ҳуррият бўлганда сен келдинг,
Минайин семирган отга деб,
Оғзингга «маллалар» бир тепди,
«Маърифат харомдир сартга», деб...
Оғзингдан қон келди, йиғладинг,
Кўзингдан заҳарли ёш келди.

Кўраман: охирда минибсан,
Чарчаган бўлса-да - отингга.

Тангрига шукур қил, юрабер,
Кўз солиб, ўнгингга, чапингга!

Тез тузат, оҳ... мана бир хатонг:
Отингни чопасан шаҳарда.
Қишлоқда фақирлар кутадур -
Кечада, кундузда, саҳарда!
Билгилким, ҳаётинг, томиринг,
Ўзбегим, камбағал қишлоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қишлоқда чопасан отингни,
Чопишинг беҳуда: тошлоқда!..

1919 йил..

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГЎЗАЛ ТУРКИСТОН

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,
Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?

Билмам, на учун қушлар учмас боқчаларингда?
Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,
Умидимизнинг сўнмас чироғи.
Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи,
Безансин энди Туркистон боғи.

Кўзғол, халқим, етар шунча жабру жафолар.

Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,
Қуллик, асорат - барчаси ёнсин.
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон, қаддии кўтарсин!

Яйрат, яшнат ўз Ватанинг - гул боғларингда.

1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎНГИЛ

Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!..

Тошкент, 1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАС ЭНДИ

Етар, бас, чекдан ошқондур
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!
Тўлуғдур, балки тошқондур
Тубанлик ҳам сафолатлар!

Қўлимда сўнгги тош қолди,
Кўнгилда сўнгги интилмак;
Кўзимда сўнгги ёш қолди,
Кучимда сўнгги талпинмак!

Бу қарғиш, бу ҳақоратлар,
Кучимни тортмоқ истайлар;
Тубанлик ҳам сафолатлар,
Ўзимни ютмоқ истайлар!

Кўнгилда сўнгги интилмак,
Шу ҳолда кетмак истаймен;
Кучимда сўнгги талпинмак,
Амалга етмак истаймен!

Қўлимда сўнгги тош қолди,
Ёвимга отмоқ истаймен!
Кўзимда сўнгги ёш қолди,
Амалга етмак истаймен!..

Тошкент, 1923 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОЗИМ

Нафрат ўлкасидан ҳижрат қилганман,
Улфат диёрига маскан қурганман,
Юзимни ўт эмас, гулга бурганман;
Самовий завқларга тўлиб турганман
Булбуллар севгини мақтаган дамда!

Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,
Буғинлар унгуси ўйлашларимдан,
Қалблар юмшагуси сайрашларимдан;
Севги чаманида яйрашларимдан
Жаннатлар яратгай т[illegible]лаган жанда!

Тилинган тилларга қон югургуси,
Бўшалган инларга жонлар киргуси,
Тиканли боғчалар, чечак кўргуси,
Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси
Жандалар жонимга теккан кунларда!..

Ўш, 1924 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИШАН!

Кишан, гавдамдаги излар, бугун ҳам битгани йўқдир!
Темир бармоқларингнинг доғи, буткул кетгани йўқдир!

На мудҳиш, на совуқ-манхус, на қизғонмас кучоғинг
бор!
Башар тарихининг ҳар саҳфасида қонли доғинг бор!

Юмилмас кўзларингнинг ҳар бири бир элни қаҳр айлар;
Фақат бир борлиғингдурким, бутун борлиқни заҳр
айлар!

Қилич бирлан сенинг эркингда кўп йиллар қолиб
кетдим...
Фақат, ҳар тебранишдан қутулишлиқни умид этдим.

Кишан, гавдамдаги доғинг ҳануз ҳам битгани йўқдир,
Фақат, буткул қутулмоққа умидим энди ортиқдир!..

Тошкент, 1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЕР АСИРАЛАРИ

Ер асиралари, ер асиралари!
Олтин билакузуклар, ёқут маржонлар,
Садаф доналарми тасаллилари,
Қўрғонми, деворми насибалари,
Кун санаб ўтарми ою йиллари,
Тилга келмасларми шу қадар жонлар?

Ер асиралари, гўзал тонгларнинг
Сочидан кўнгилга қувват олингиз!
Ўзингиз тиришиб, бевиждонларнинг
Кўнглига эрк учун илҳом солингиз!
Ер асиралари, ер асиралари,
Ёш тўкиб йиғлашми насибалари?!

Андижон, 1924 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГЛИШАСИЗ!

Сиз дейсизки, мен кўкларни ўйлаймен,
Ер бетига сира назар солмаймен!
Янглишасиз, мен кўкларга беркинган
Ер қизидан хаёлимни олмаймен...

Қўқон, 1924 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎКЛАМ КЕЛАДИР!

Кўклам ойим йўлга чиққан, кўклам ойим қўзғалган;
Кўк кўйлакнинг битишига унча кўп ҳам қолмаган!

Тиниқ ҳаво... Кўк юзинда оппоқ, ҳарир пардадек
Оқ булутлар унда-мунда ёйилганлар паришон.
Шуълаларнинг акси билан, йилтиллаган игнадек,
Кун тиғлари қарашларга ўткир-ўткир санчилган.

Қип-яланғоч дарахтлар ҳам кучоқ очиб, кўз тутиб,
Кўк кўйлакнинг битишини чидамасдан куталар.
Қарғалар ҳам қишда қилган гуноҳларни унутиб,
Узр айтмасдан, индамасдан, учиб-учиб кеталар...

Сезгиларни уйғотувчи ҳидли гуллар тўпланиб:
«Биз ҳам йўлга чиқдик» дея юборганлар бир чопар.
Гул ҳидидан ризқ эмгувчи жониворлар уйғониб,
Эрта-индин боғчаларга, чаманларга тарқалар.

Кўклам ойнинг ипак кўйлак этаклари судралиб,
Қора ернинг бошларини силаб-сийпаб келадир.
У силашдан, у сийпашдан қувват олиб, куч олиб,
Қора ер ҳам кўксидаги олтинларни берадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,
Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди,
Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!..

Андижон, 1924 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕН ҲАМ СЕВАМАН!

Ойдин кечаларда кўкка кўз тикиб,
Ёруғ юлдузлардан севги кутдим мен;
Ҳар юлдуз тиғига, руҳ билан тегиб.
Узун тунлар бўйи кутиб ўтдим мен;

Юрганда, турганда ҳар гўзал нарса,
Меним кўзларимга севги кўринди;
Севгига ёт бўлган ҳақиқий шуъла
Ўтлар, оловлар-чи,
Пилпиллаб сўнди!

Йигитлик кўкариб яшарган дамда,
Ҳар юмшоқ товушга тутқун бўлдим мен...
Ҳар гўзал чеҳрага кўнгил берганда,
Борлиқни «у» учун қурбон қилдим мен...

II

Энди у кунларим ўтиб кетдилар...
Энди турмушимда ойдин кечлар йўқ.
Вафосиз севгилар учиб битдилар...
Англадим: севгида ҳар кўнгли бузуқ!

Кўнглим қуруқ эмас, яна севги бор;
Фақат бу севгида алданиш йўқдир.
Ҳорғин кўзларимда хаёл яна бор;
Фақат бу хаёллар, нурдан тиниқдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди ҳар нафасда яна куямен,
Фақат, Мажнун бўлиб элни севамен.
Унга ҳурмат билан бўйин эгамен,
Бошимни «у» учун дорга қўямен!..

Тошкент, 1923 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНА ОЛДИМ СОЗИМНИ

Бир неча йил қантаргач
Яна олдим созимни,
Энди айтиб йиғламас
Кўнгилдаги розимни.

Кўнгилдаги кудурат
Кўтарилди, ниҳоят,
Энди илҳом манбаи -
Қайнаб ётган шу ҳаёт!

Қилларидан созимнинг
Тўкилажак шан куйлар,
Ҳур ўлканинг ҳур қизи
Сингари ҳашанг куйлар.

Қурилиш достонлари
Пардалардан оқажак.
Эҳ, кўнгил, янги дардлар
Тағин сени ёқажак!

1934 йил, ноябрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЗОН

Куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар,
Гезариб қолдилар куз чоғи тупроқлар.
Сўнг дамда япроқлар қизориб ёндилар,
Қизориб ёндилар сўнг дамда япроқлар.

Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,
Билмадим, кимларнинг қисмати узилур?
Ёнғоққа ёпишиб бир чангал солдилар,
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур?

Эй, совуқ эллардан муз кийиб келганлар,
У қўпол тушингиз қорларда йўқ бўлсин!
Эй, меним боғимдан мевамни терганлар,
У қора бошингиз ерларга кўмилсун!

Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур,
Сўнг дамда япроқлар қизориб ёндилар...
Билмадим, кимларнинг қисмати узилур.
Куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар...

1923 йил, ноябрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАРГ

Жонланди, яшарди, кўкарди қарашим,
Ўзимда бир турли эркинлик сезамен.
Кўнглимда қолмади шу тинда ғам-ғашим,
Умиднинг ипаклик қилини чўзамен.

Шу чоғда, шу боғда ҳар нарса юмшоқдир,
Ҳар нарса кўкарган, ҳар нарса яшнайдир.
Шу боғда, шу чоғда ҳар нарса оппоқдир;
Қуёш-да нурини ҳовучлаб ташлайдир.

Ариқда сувларнинг ўйноқи қўшиғи
Шохларда ухлаган баргларни уйғотди.
Айниқса, шамолнинг у юмшоқ шўхлиги
Шохларда баргларни титратди, ўйнатди.

Қип-қизил қанотли капалак йўлида
Учратди чиройли чўзанак қизини.
Капалак тикилгач, у қизча қўлида
Ушлаган япроқ-ла беркитди юзини...

Олтинли қўнғизни болалар ушлашиб,
Ип билан кўкларга учириб ўйнайлар;
Қулликни севмаган йўқсилни кучлашиб
Нимага ўзининг эркига қўймайлар?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лабларим шу тинда чанқаган, қизарган;
Кавсарнинг сувидан шароблар истамас;
Фаришта қилиқли, малика қизлардан
Чанқовни босгувчи бир... ўпич сўрамас.

Куклардан малаклар қиз бўлиб тушсалар,
Яна мен уларни қўйнимга қўймаймен;
Қўйнимга тўлсалар, қўйнимдан тошсалар
Гулларнинг ҳидлари... мен сира тўймаймен!

Ўпмаймен шу чоқда фаришта - малакни,
Ўпамен бутоқда титраган бир баргни...

Бухоро, 1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎКЛАМ ҚАЙҒИСИ

Эй қоронғи узун қишнинг хаёли,
Кўклам чоғи кўзларимда ўйнама.

Айриликнинг чидаб бўлмас малоли,
Кўкат, майса юзларида қайнама.

Бир оз... бир оз кўнгил берай кўкламда:
Шафтолининг гўзал, қизил юзига.
Бир оз... бир оз алданайин кўнглимда
Бош чиқарган йигитликнинг сўзига.

Қаршимдаги кулиб турган юмшоқ қиз
Кўм-кўк майса ўртасида бир гулдир.
Кўп йиғладим... ёшларимни қатор чиз
Ва қаршимда гўзал қизни бир кулдир.

Кўклам чоғи сайроқ булбул сайрамас.
На учунким, танбуримнинг тили йўқ.
Ул гўзал қиз чин қараш-ла қарамас,
На учунким, умидимнинг йўли йўқ.

Тилларимда ҳар кўкламнинг қўшиғи
Юрагимда ҳар гўзалнинг севгиси.
Кўзларимда ҳар қайғидан бир йиғи,
Юзларимда алданишнинг белгиси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?
Ёлғиз менми кўкрагимни тиғлаган?
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?

Эй, кўкламнинг кўз тортгувчи келини,
Нима учун йиғлатасан бир мени?

Қўйлуқ, 1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИНАФША

Ёз қайғиси

Бинафша сенмисан, бинафша сенми -
Кўчада ақчага сотилган?
Бинафша менманми, бинафша менми -
Севгингга, қайғингга тутилган?

Бинафша нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?

Бинафша,
Айт менга,
Кимлардир уларким,
Игнани бағрингга санчалар?
Бинафша,
Бир сўйла,
У қандай қўлларким,
Узалар, ҳидлайлар, янчалар?
Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор,
Кўнглимга исриклик тўкмайсан?
Нимага узоқроқ кулмайсан?
Бинафша, шунчалар тортгувчи тусинг бор,
Бинафша, йиғлама, бинафша кел бери,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қайғингни қайғимга қўшгил.
Бинафша, сенинг-чун кўкрагим эрк ери,
Бу ердан кўкларга учгил.

Бинафша, гўзалим, қайғилим, келмайсан,
Қайғинг зўр, қайғимни билмайсан,
Менга бир кулмайсан!

1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИТДИ

Бер қўлингни, шу титраган қўлим билан сўнг дафъа
Бир қисайин, сўнгра ортиқ у қўлларга тегмак йўқ.
Кўзларингни сўнгги марта тушир хира кўзимга,
Кўкрагимга киприкларинг сўнг мартаба отсин ўқ.

Кўкимизда ҳануз учмай қараб турган юлдузнинг
Кўр юзини, айриликнинг кузи билан сарғайган.
Сен кетасан, юлдуз учар, ёлғизликда ташланган
Ўксигингга ҳаёт бермас ёғдулари кундузнинг.

Бер қўлингни сўнг мартаба ёлғиз қолган ўксикка,
От ўқингни сўнг мартаба алам кутган кўксимга.

1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИРЛАРДАН...

I

Бир тутам сочларинг менинг қўлимда;
Ғижимлаб ўпайми, ё тараб очай?
«Сир» деб сақлаганинг менинг қўйнимда;
«Сир» деб сақлайинми, ё элга сочай?

Сочилган сочингдай сочилса сиринг,
Анор юзларингни кимга тутасан?
Ўзинг-ку - «Уларда вафо йўқ» дединг,
Нимага уларни тағин кутасан?

II

Очилган қўйнимда тўлғонган таниң,
Кўнглингдан қилча ҳам ҳид етказмаса,
- Менга яқинлашма! Ай, тирик бўса!
«Севдим» деганларинг, ёлғондир сенинг!..

Тошкент, 1925 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Ўксуз кўнгил қуши
Тушди қафасга.
Сира етолмайдир
Эркин нафасга

Қора кунлар тушди меним бошимга.

Сиқиқ қафасларда
Яйрай олмайман.
Жаннат боғлар бор-ку,
Сайрай олмайман

Ёмон кунлар тушди меним бошимга.

Қип-қизил қон бўлиб
Кунлар ботадир...
Ёмон ҳидга тўлиб
Тонглар отадир...

Оғир кунлар тушди меним бошимга.

Жаннат каби боғлар
Булбулсиз қолган...
Осмон бўйи тоғлар
Қулунсиз қолган...
Қийин кунлар тушди меним бошимга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўз ёшимда ювсам
Юртнинг бағрини.
Тилим билан сўрсам
Оққан қонини...

Қонли кунлар тушди меним бошимга.

Ҳасратим, кўп, элга
Айта олмайман.
Армоним кўп, дилга
Жойлай олмайман.

Ўтли кунлар тушди меним бошимга.

Қафасларни бузиб,
Учсам осмонга;
Кишанларни узиб
Етсам жононга!..

Ёрсиз кунлар тушди меним бошимга.

Андижон. 1923 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАФТОЛИГА

Ўн саккизга кирган қишлоқ қизларининг юзидек
Қип-қизарган юзларингдан бир ўпич бер, шафтоли!
Сенга қараб турганимда - бир озгина бўлса ҳам -
Бўлмас каби, йўқ кабидир... умидимнинг заволи!

Умидимнинг заволига қон йиғлаган кўзларим,
Ёшларини юзларингга томчи-томчи тўкдими!
Ёки, севги армонида шаҳид бўлган йигитнинг
Есир руҳи қони билан лабларингдан ўпдими?

Майли, севган ошиқларинг юзларингга тўймасин,
Лекин рақиб лабларини қўймасин,
Заҳарини қуймасин!..

Қўқон, 1924 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАҲОРНИ СОҒИНДИМ...

Баҳорни соғиндим, баҳорни...
Кўрганда ерлар, оламлар тўла қорни...
Қор...қор...
Заҳарли ниналар каби
Кўзларга қараб оқар...
Қайда сен, қайда сен
Латиф сийналар каби
Дилларга сингган баҳор
Дала-туз, экин-тикин...
Ғамгин-ғамгин сўла бошлади.
Сарғайган япроқ,
Бўяниб тупроқ
Ўла бошлади, ўла бошлади...
Йўқ... ўлим йўқдир!
Ёлғиз бир учиб... бир сўниш бордир!
Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор,
Яна баҳорлар, яна лолалар,
Яна сиз, эй, эркин далалар!..

Самарқанд, 1926 йил. 16 сентябрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАБИАТГА

(Саидалихонга бағишлаб)

Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб,
Кел қуёш чиққунча ўптир... кел ўпай бир эрталаб.
Кел қучоқлай, кел қўлингни, бармоғингни бир кўрай
Кел кўзингга кўз солай, кел кўрай, сўнгра ўлай...

Келма-келма эй пари, сен, танларинг нурдир сенинг,
Танларинг нур, юзларинг нур, тенгларинг ҳурдир
сенинг.
Ёқти ойлардан қуйилғон ёғдулардандир танинг,
Кўк юзида барча юлдузлар суйунчингдир сенинг...
Кулмакингдир боқчаларга турли гулларни сочар,
Кўз қарошингдир сенинг, элга саодатлар очар...
Ўйнашингдир, ўйноқи юмшоқ шамолни қўзғатар,
Тўхташингдир, дунёда барча ҳаётни тўхтатар.
Сўзлашингдир, боқчаларда барча қушни сайратар,
Бир табассум қилмоғингдир, барча жонни яйратар.
Куйлашингдир, уйқуда қотган жаҳонни уйғотар,
Уйқудан турган жаҳон ул куй билан дир, тўй этар...
Қайғуриб қолган чоғингдир, барча жонлар қайғурар,
Ҳар томонда қайғу, ҳасрат, ҳар азиз жон оҳ урар.
Кўк юзини қоп-қора, маъшум булутлардир, ўрар,
Ул булутлардир ёруғликнинг юзин қоплаб турар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ул булутлар устига отдек миниб девлар чопар.
Ҳар уришда қамчини ўтлар ёнар, чақмоқ чақар.
Ул булутлар чопсалар девлар билан осмон бўйи,
Унда бошланса жин, олбости ва шайтонлар тўйи,
Кўк гўзалдир, сел ёғар, дўллар қуяр, тўфон босар,
Қум кўчар... тоғлар қадар қумлар кўчар... йўлни тўсар...
Зўр денгизлар наъра тортар... жон сўрар, тўлқин чопар,
Катта тўлқинлар келар-да, майда тўлқинлар қочар...
Майда тўлқинлар «ўлим» рақсин этарлар куйлашиб,
Сўнгра қирғоққа чиқарлар «жонлилар»ни йўқлашиб...

Келма-келма... мен фақир...бечора... йўқсил бир киши,
Мен каби йўқсил кишининг ёғдуларда не иши?..

1920 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЛАНДАР ИШҚИ
(Эски тартибда)

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизни кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку.

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Боку, 1920 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАЛДИР*

Мен дутор бирлан туғишган, кўҳна бир девонаман,
Ул туғишқоним билан, бир ўтда, доим ёнаман.

Дилларида ғам тўла бечораларга ёрман,
Вақти хуш, ғам кўрмаганлардан тамом безорман.

Мен дуторнинг торларига беркиниб олсам агар,
Пардаларнинг ҳар бири бергай бўлак ғамдан хабар.

Пардалар узра юриб турган одам бармоқлари
Кўкрагимдан кўп босар, шундан бўлур толмоқлари.

Икки торни қақшатиб , бармоқлар ўтса тўхтамай,
Ғамли ун чиқмас ўшал торларда «галдир» йиғламай.

Йўқ ишим: ҳоким, амалдор, шоҳу хоқонлар билан;
Биргадирман доимо-ҳамдард бўлганлар билан!..

Аҳли ғамлар, мен каби мажнун сифат галдир бўлар,
Шул сабабдан, банданинг номини «галдир» қўйдилар...

Андижон, 1925 йил.

* «Галдир» 1) Девона, телба, «паришон хол» одам; 2) Бир куй (машқ)нинг исми. Бу шеър, ўша куйга солиниб ва ўша куйнинг исмидан айтилган.

Чўлпон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШУ КУНДА

Истагингга етар экан, қанотларинг синдими,
эй кўнглимнинг булбули?
Сенга қарши кулиб турган гўзал чечак тиндими,
ташладими бир йўли?
Ҳаво ёрган кўкрагингни севги ели тилдими,
қон тўлами ҳар томон?
Кўзларингга айриликнинг ипларини илдими -
шу қилиғи кўп ёмон...
Ё эркинлаб ҳидлагали бермайлармн гулингни,
тўсарлармн йўлингни?
Гул ўзими кўзларингдан кўзларини қочирди,
йўқликларга яширди?
Шу юлинган парларинг-ла учолмассан йўқсил қуш,
У умидлар ҳавосидан энди бир оз тубан туш!..

Андижон. 1925 йил, 22 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕЗГИ

Боқчаларда сўлди гуллар - сўлди гуллар, сезмадим.
Қип-қизориб отди тунлар - ботди кунлар, сезмадим.
Қайда қолди қонли кинлар - қонли кинлар, сезмадим.
Сочларинг боғлаб олиб, боғлаб олибдир сезгини!..

Бир йироқ йўлким, унинг йўқдир кети - йўқдир кети.
Чанг ва тупроқ бўлди, кетди... унда кўпларнинг бети,
Минг жаҳаннамдир - жаҳаннамдир унинг икки чети,
Бир куни ўлгай адашиб қон муҳитнинг келгини...

Кўзларимни мен тикиб қолдим - тикиб қолдим унга,
Лола гулларни экиб қолдим - экиб қолдим унга.
Тоза уммидни тутиб қолдим - тутиб қолдим унга,
Чунки мен кўрдим, кўриб қолдим керакли белгини!..

Қўқон, 1923 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСТАШ

Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз
Ҳар қаёққа қарайман.
Тонг вақтида нур тўккувчи ёлғизгина юлдуз
Айтарки: «У менман!»
Мен унга ишонмоқчи бўлиб ўйнатаман кўз,
Ул ҳам кула бошлар,
Шу чоқда деворлар ичидан қайғули бир қиз
Йиғлаб кела бошлар.
Ул мунда, ёвуқда шу учун тез бурилиб мен
«Ҳой ер қизи!» дейман,
Кўнглимга яқин юлдуз эмас, бошқа эмас, сен,
«Ер юлдузи» дейман.
Бу сўзни эшитгач қочадир кўкдаги юлдуз,
Албатта аразлаб,
Ҳам жим бўладир ердаги бечора, ғариб қиз,
Гўр оғзини излаб.
Кўк юлдузи изсиз эди, ер юлдузи кучсиз,
Ҳар иккиси кетди.
Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз
Ой-йилларим ўтди...

Андижон, 1924 йил, март.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУЧОҚ - ТУПРОҚ

Қоронғи тунларда қучоқлаганим,
Ай, қаттиқ тупроқлар - ойдин тунларда,
Уфқимда юлдузлар порлаб кулганда,
Сизда шодлик билан ағанар чоғим!

Унутдим бир нафас қора кунларни,
Шу чоқда сиздан ҳам севинч кутамен.
Узатинг, узатинг янги гулларни!
Ўзим-да йўқ бўлиб, эриб... ўпамен!

Кўмилиб ётасиз жонсиз гулларга,
Сиз ҳам, ай жони бор, қони бор гуллар!
Ҳожат йўқ шу чоқда жаъми тўрларга,
Ҳақиқий ҳисларга тўсқуңдир уннар...

Ваҳм эмас, сиз бўлинг «қиз» чоғлаганим,
Ва тупроқ устида қучоқлаганим...

Андижон, 1924 йил, май.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИЁРИМ

(Ўзбекистоннинг ўн йиллигига)

Титилиб ўқилмас бўлганда тарихинг,
Ҳасрат-ла аламга тўлганда тарихинг,
Хазоннинг баргидай сўлганда тарихинг -
Кўзимнинг нурини аямай ўқидим.

Ҳеч қайдан мен кутган зарварoқ чиқмади,
Игнадек ялтираб бир варoқ чиқмади,
Ҳасрат-ла аламга бир қирoқ чиқмади -
Миямда беҳуда хаёллар тўқидим...

Ҳар ерда бошкесар хонларнинг таърифи,
Беҳуда шуҳратлар, шонларнинг таърифи,
Дарёдек оқувчи қонларнинг таърифи -
Шул эди минг йиллаб битилган тарихинг.

Фуқаро ким эди одам деб саналса?
Бир раҳбар кўрдими жон бериб жон олса?
Бир ҳаким топдими бемордан қон олса?
Шул эди саждалар этилган тарихинг.

Бемаъни тарихни ёндирди инқилоб,
Сен қўйган талабни қондирди инқилоб,
Қарғалган кечмишдан тондирди инқилоб -
Келажак меҳрини кўнгилга жо айлаб!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоирлар, адиблар, ҳакимлар ёнмади,
Маъқулдан инқилоб ҳеч қачон тонмади,
Кечмишнинг барчасин сафсата сонмади;
Ўрганиб ётади кечмишни бел бойлаб!

Диёрим, каттакон рўзғорда бир тансан,
Қандай жой, нима иш-хўп яхши билгансан,
Дунёга янгидан туғилиб келгансан;
Ўн йилда бошқатдан ясанди тарихинг!

Дунёлар тарихи жой берди кўксидан,
Хавфинг йўқ гардишнинг ҳар қанча аксидан,
Йўлдошинг - меҳнатдир, ўртоғинг - илму фан;
Тарихлик номини қозонди тарихинг!..

1934 йил, ноябрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕН ҚОЧМАДИМ

(Тошкентдаги ўртоқларимга)

Мен қочмадим! - Нега мени «қочди» деб,
Йўқга мунча шовқин-сурон қилдингиз?
Қучоғини «ўзлиги*га» очди, деб,
Оқ исмимга қора занжир илдингиз?

Мен «ўзлик»дан кўпдан бери узилиб,
«Кўплик» ичра ботиб кетган танамен.
У «кўплик»нинг қайғусида чўзилиб,
Қулоч отиб, сузиб юрган яна мен.

Мен янгилар ўлкасидан синмаган
Бир қанотни тақиб олиб қўзғалдим:
Шу йўлимда япроқлари сўлмаган
«Ёш ёғоч»нинг соясида тўхталдим.

Икки кўзим ялт-юлт этиб, кўкимдан
Тилагимнинг юлдузини қарайдир.
Чоғ-чоғ йиғлаб, ўтиб кетиб ўнгимдан
Қора булут, унинг юзин қоплайдир.

Бироқ яна унинг юзи кўриниб,
Кўзларимни қамаштириб қўядир:

* Ўзлик - менлик нафси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қилич ботиб, ханжар дилга уриниб, -
Унга яна қайси қараш тўядир?

Мен қочмадим! - Мен тилакни излайман,
Қанот кучлик, борган сари тезлайман!

Бухоро, 1921 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕЛ БЕРИ

Кел менга, кел, кел менга:
Қучоғимни очганмен;
Турмуш - ҳақиқат бўлса,
Борлиғимни отганмен...

Мен кучли: менда исён,
Мен тўлқин: менда туғён,
Кўпирармен, тошармен,
Чегарамдан ошармен!

Тўфоним элни босар,
Турмуш тоғларин ошар
Ва ўлмас, мангу яшар!..

Девонабоғ, 1921 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВИЖДОН ЭРКИ

(Тутқунларга)

Ай тутқунлар... ай эзилган,
Ай қийналган йўқсул эллар,
Ай умидсиз, ай чизилган
Дор олдига... оппоқ диллар!

Ай бевалар, бечоралар,
Ай боғланган кишанларга,
Ай эрк учун оворалар,
Кўп ялинманг сиз унларга!

Бўрилардан омон кутмак -
Тентакларнинг ишидир ул;
Ҳар монъени ҳатлаб ўтмак -
Турмушда энг тўғри бир йўл!

Зулм олдида ҳар бир нарса,
Эҳтимолки, бўйин эгар,
Агар зулм авжга келса
Кўк боши-да ерга тегар.

Ҳайвонларга, инсонларга
Золим эга бўлмай қолмас,
Фақат эркин виждонларга
Эга бўлмоқ мумкин эмас!..

Самарқанд, 1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАРҚ ҚИЗИ

(Унинг тилидан)

Айталарки, совуқ, ғамли қора қиш
Ўтиб кетиб, келмиш чиройлик баҳор.
Ғулга ошиқ бўлиб сайрар эмиш қуш,
Гул ҳам ошиқ қушга нозланиб қарар.

Айталар, далада ер бети тамом,
Кўм-кўк духобадан кўйлаклар киймиш;
Ҳуробзлар чақириб. юзин очса тонг,
Сабо нинг лабини ошиқлар эммиш...

Ҳар кимда бир шодлик, ҳар кимда бир руҳ,
Ҳар ким кулиб қарар эмиш дунёга.
Ҳатто, чол бобойлар айталармиш: «Уҳ,
Чиқиб юрсак эди ёзги ҳавога!»

Фақат, мен бир ўзим, Шарқнинг бир қизи,
Баҳор келганини кўрмай қоламен;
Узун қора қишнинг кетмасдан изи,
Унинг «дўсти» кузни кутиб оламен.

Меним учун ёруғ дунё роҳати -
Тўрт девор ичида кўзлар ўйнатмоқ,
Меним учун улуғ шодлик соати -
Телба кўкрагимда «ўйлар» уйғотмоқ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен бир Шарқ қизимен, Шарқнинг ўзидек,
Бутун таним, жоним «хаёл» уяси,
Меним қора кўзим кийик кўзидек,
Белгисиз овчининг ўқин кўраси...

Айталаркім, ёзда ҳар бир жони бор,
Эркин нафас олар, шодланар, яйрар...
Айтмайларким, Шарқда боғлиқ хотинлар
Ул ёруғ дунёга на замон кирар?..

Тошкент, 1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕН ВА БОШҚАЛАР

(Ўзбек қизи оғзидан)

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инглаган менман.
Эрк эртакларини эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини тинглаган менман...

Бошқада қанот бор, кўкка учадир,
Шохларга қўнадир, боғда яйрайдир.
Сўзлари садафдек, товуши найдек
Куйини ҳар ерда элга сайрайдир.

Менда-да қанот бор, лекин боғланган...
Боғ йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор;
Сўзлари садафдек, товуши найдек
Куйим бор... уни-да деворлар тинглар...

Эркин бошқалардир, қамалган менман,
Ҳайвон қаторида саналган менман...

Тошкент, 1921 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НИМА?

Бир-икки яхши сўз айтдинг,
Ҳолимни англаганингми?
Кўзларни қайғили артдинг,
Ҳолимга йиғлаганингми?

Ётлиқлар битдими энди,
Ортиқ мен сенга яқинми?
Қарғишлар кетдими энди,
Олдимми эски ҳақимни?

Туйдирғич, қоп-қора тунлар
Ёпқични олдими биздан?
Юргайми ёғдули кунлар,
Сен босган «севгили» издан?..

Кўкламнинг олдини тўсган
Зулматлик қишми йиқилди?
Бўйнига лолалар осган
Кўкламми ўрнига келди?

Кўнглимга сирли қоқилган
Кўнглингни шарпасидирми?
Ё, кўкда янглиш отилган
Бир юлдуз куррасидирми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир сўзла, биргина сўзла,
Қолдирма шубҳа кўнгилда!

Қибрай-Тошкент уезди, 1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕТГАНИНГДА

(Клиупатрага)

Кетдингми мангуга ташлаб,
Қолдимми қайғуларим-ла?
Ҳижроннинг куйини бошлаб,
Йиғловчи чолғуларим-ла?

Севгимдан сўнгги малаклар
Тўп-тўғри кўкками учди?
Кўнглимдан тоза тилаклар
Ёвнингми бағрига тушди?

Ортиқ сен мендан узоқда
Кўзларни ўйнатасанми?
Ортиқ сен бошқа булоқда
Дилларни қайнатасанми?

Ортиқ сен ундаги боғда. .
Ортиқ мен якками қолдим?
Фарёд йўқ... барча жаҳон жим...
Ер ютса яхши шу чоғда!..

Кетдингми сен мени ташлаб?
Қолдимми қайғумни бошлаб?

Тошкент, 1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НИМАНИНГ ҲИДИ

Билмайман: бу ҳидлар нималинг ҳиди?
Руҳим ҳидлаш билан англаган эди.
Мавъуд жаннатларнинг энг гўзалида
Энг гўзал малика атирлар сочди.
Кўкларнинг энг нозли ўйноқ париси
Атр қутисининг оғзини очди.

Кўнглимни мулойим қитиқлагувчи,
Ўзида бир турли сир сақлагувчи,
Бу ҳиддирким, ҳорғин, чарчаган дилга
Янги умид, тоза қувват бергувчи...
Муҳаббат булбули берилди тилга.
Эзилиб-эзилиб йиғлаган кўнгил,
Азалдан юмшоқлик кўрмаган кўнгил,
Гуллик боғчаларда юрмаган кўнгил,
Ўзини гулларга урмаган кўнгил,
Азал малагидан бир ҳид ҳидлади,
Эсирди*, йиқилди, ўзи билмади,
Ҳидсиз тилакларни тотли умиди
Сонсиз ҳавасларнинг кўнглимга солди
Оппоқ маликанинг тарқатган ҳиди
Танимни, руҳимни, жонимни олди.

Энг гўзал ҳаваслар сунгувчи ҳидни
Руҳим ҳидлаш билан англаган эди.

* Эсирди — маст бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИШҚ ЙЎЛИ

(Эркин шеър)

Сабрнинг косаси тўлгандир,
Бу оғир айрилиқ туйдирган.
Оҳ, қанча ғазаблар бўлгандир,
Гўзалим, хабаринг бўлмаган.

Оч, ахир, очгилким кўксингни,
Бир нафас ўзимни унитай.
Унитмоқ бутунлай ўзликни,
Оҳ, шундан нажотни мен топай.

Кечалар, кечалар... оҳ, сенсиз ва ойсиз.
Бир кеча менга худди бир йилдир.
Қайтариб айталар: «Кечалар - руёсиз -
Олдингда...» кўп оғир бир йўлдир.

Эй дарвеш, бу йўлда биргина йўлчиси сен,
Кетабер, бир куни сўнгига етар сен.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОППОҚ ОЙ

Қучоғингда қалтирайман, титрайман,
Ортиқ сендан безди кўнгилим, оппоқ ой.
Йўлни очсанг, энди бундан кетаман,
Кўклам яқин келган дейлар, бир қарай.

Кўкдан тушган енгил оппоқ парлардан,
Қудрат қўли сенга кўйлак тўқийди.
Учиб келиб узоқ яқин ерлардан
Бир тўп қарға мадҳиянгни ўқийди,

Кўклам яқин, деган сўзни эшитиб,
Кўзларингга замҳарирдек* ёш келди.
У ёшларинг хирмон бўлиб, уйишиб,
Осилдилар... бўйнинг ерга эгилди.

Ҳовуз юзи икки қарич муз бўлган,
Ёш болалар тийғанишиб ўйнайлар.
Учиб, тўнғиб масжиддаги чол ўлган,
Етим қолган болалари йиғлайлар.

*Замҳарир - қиров, совуқ, қаҳратон қиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жарқишлоқнинг йўлида ҳам шаҳарга
Қаймоқ ва сут келтиргувчи бир бола
Тўнғиб ўлган, ҳар кун эрта саҳарда
Шундай қилиб бир неча жон йўқола.

Қучоғинг-да жуда совуқ, оппоқ ой,
Кўклам келсин, бир севинай, бир ўйнай.

1922 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕН ШОИРМИ?*

(«Таржимаи ҳолим»га)

Хаёлим бир учиб кетиб қоладир,
Мен ҳам тизгинини қўйиб бераман.
Зотан, қандоқ қилиб тутиб тураман?-
Энг нозик қилимга тегиб коладир.

Учадир... учадир... минг қават кўкни,
Бир бошдан сийпалаб ўта берадир.
Зерикмай, эринмай кета берадир,
Баъзан, ҳовлиқтириб жинни юракни...

Кўланка кабидир; ўтган еридан
Сўнгра қарасангиз бир нишон қолмас.

Юрган ерларидан озиқ ҳам олмас.
Шунда зерикаман унинг сайридан...
Бир замон бир ширин жойга етганда,
Нарига ўтмасдан тўхтаб қоладир;

Ошиқдек ястаниб, ётиб оладир...
Шу чоқда қийналиш бошланар менда.

Чунки, хаёлимнинг кўзлари билан,
Бир гўзал ҳолатни кўриб тураман;
Лаззатга ғарқ бўлиб, ўлиб тураман.
У ҳолни борлиқнинг сўзлари билан -

www.ziyouz.com kutubxonasi

Англатиш, қўлимдан келмай қоладир.
Шу чоқда тилларим калдираб кетиб,
Борлиғим - йўқликка ғалдираб кетиб
Дейманки: «Бошқалар билмай қоладир -

Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим,
Ўхшаш нусха билан, ёзиб берардим,
Шу ожиз ҳолимда, шоирманми мен?..»

Шоирлик менда бир соями дейман,
Ҳар бир тушунчамни ёза олмагач!
Рассомдек хаёлни чиза олмагач!
Ҳақир борлиғимга кўп афсус ейман...

Хаёлим юксакдан тушиб кетадир,
Шоирлик чанг бўлиб, учиб кетадир...

Қўқон, 1923 йил.

*Бу шеър, Тошкентдаги «Ўлка ўзбек билим юрти»нинг юқори синф ўқувчиларига атаб ёзилиб, улар томонидан дарсда текширилган бир шеърдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИРФОН КЕЛАДИР

(Ўзбек билим юртини биринчи мартаба битириб чиққан беш йигитга)

Шу йигитларки, қўлга нурли асо
Ушлашиб йўлчиликни кўзлайлар;
У улуғ йўлки, бир улуғ саҳро
Чин саодатни шундан излайлар.

У қуруқ, кимсасиз, ваҳм йўлдан
Чарчамай, сувсамай ўтиб кетмак!
Тугамай ўтли интилиш дилдан,
Бор тўсиқларни йўқ этиб кетмак!

Шу ёмон, зим-зиё узун кечалар.
Бизни ютмак, битирмак истайлар.
Эскилар қутқаришга келмайлар,
Балки, қонларни томчилаб ичалар.

Тоза қонларга иштаҳа сақлаб,
Кутадир йўлда: оч, ҳарис душман.
У улуғ йўлни нур билан тозалаб,
Етасан истагингга, эй, ирфон!

Чунки, сен - янги, тоза бир кучсан,
Билагинг бир темир, пўлат кабидир.
Чунки, сен - ёғду - нурга кўп ўчсан,
Тилагинг бир олов , бир ўт кабидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен учун йўқ: ўлим, мозор, йўқолиш,
Сен учун бор: ҳаёт, - яшаш, уруниш;
Эзгу истакка тўғрилаб йўл олиш,
Ва у йўлларда чарчамай югуриш!

Шу тилакларга зўр, улуғ ҳурмат!
Шу юракларга сўнги йўқ ҳиммат!..

Тошкент, 1923 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ МЕН*

Менда энди қайғулар йўқ,
Мен баҳорлар каби шанман,
Кечаларнинг ўлимига
Қаҳқаҳалар солган менман!

Ўлик руҳли кечалардан
Сир кутишлик менда йўқдур,
Мен истамам - қора савдо! -
Кишанингни Мажнунга ур!

Менинг янги ватанимда
На Мажнун бор, на-да занжир!
Мунда ҳар бир ишлаганнинг
Бахти қучоғида - келур!

Мунда меҳнат бир ҳукмдор:
Амр этади, чарчатмайди:
Чунки машшоқ ўз созига
Севгисини йўқотмайди.

Мунда меҳнат қувнаб-қувнаб
Мўъжизалар яратади.
Мунда ҳар кун шўх қўшиқлар,
Куйлар ила тонг отади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Миллионларнинг бири каби
Мен ҳам ҳар кун тер тўкаман;
Ҳар кун янги ҳаяжонлар,
Зафарларга кўникаман!

Миллионларнинг бири каби
Мен ҳам қувноқ, мен ҳам шанман
Кечмишларнинг ўлимига
Қаҳқаҳалар солган менман!..

1934 йил, август.

* Бу шеърнинг асли озарбайжон туркчасида ёзилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЗНИНГ ВАТАН

*(Эски йўлда)**

Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг ватан,
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.

Ҳар томондан юксалиш сорига ташлаб зўр қадам,
Дашту саҳроси анинг гул-гул очилмишдир чаман!

Дарёси, аввалгидек, ердан олиб қочмас ўзин,
Чунки пойига анинг маҳкам урилмишдир кишан.

Мунда меҳнат - ҳурлик олган, барча меҳнат аҳли - ҳур!
Кимки меҳнат қилса - қувноқ, кимки меҳнат қилса -
шан!

Фан билан меҳнат иковлон қўл беришган иттифоқ,
Эркин, эркин яйрашиб ижод этар меҳнат ва фан!

Янги жамият қуриб, дунёга ўрнак бўлгали,
Барча меҳнат аҳли бирга, ҳамма бир жон, бир бадан!

Бу ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,
Кимки қасд этса анга, кийсин пушаймондин кафан!..

1934 йил, август.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3
Бир эсиб ўтдилар 7
Суиган чоқларда 8
Гўзал 9
Халк 11
Улуғ йўлда 12
Куз 13
Юрт йўли 14
Бузилган ўлкага 15
Озод турк байрами 18
Ўзбегим 20
Гўзал Туркистон 22
Кўнгил 23
Бас энди 24
Сўзим 25
Кишан! 26
Ер асиралари 27
Янглишасиз 28
Кўклам келадир! 29
Мен ҳам севаман! 31
Яна олдим созимни 33
Хазон 34
Барг 35
Кўклам қайғуси 37
Бинафша 39
Бигди 41

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сирлардан 42
Қиз қўшиғи 43
Шафтолига 45
Баҳорни соғиндим 46
Табиатга 47
Қаландар ишқи 49
Ғалдир 50
Шу кунда 51
Сезги 52
Исташ 53
Қучоқ-тупроқ 54
Диёрим 55
Мен қочмадим 57
Кел бери 59
Виждон эрки 60
Шарқ қизи 61
Мен ва бошқалар 63
Нима? 64
Кетганингда 66
Ниманинг ҳиди 67
Ишқ йўли 68
Оппоқ ой 69
Мен шоирми? 71
Ирфон келадир 73
Янги мен 75
Бизнинг Ватан 77

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН.

ОЙДАН-ДА ГЎЗАЛ. Шеърлар - **А.,**
. «Андижон» нашриёти, 1997 йил.

Тўплам Чўлпоннинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1994 йилда чоп этилган асарлар тўпламининг биринчи жилдига киритилган шеърлар асосида тайёрланди.

Техник муҳаррир: С. Тоштанов
Мусаҳҳиҳлар: Ф. Ибайдуллаев, С. Шукуров

Теришга 1997 йил 10 октябрь куни берилди. Босишга 1997 йил 4 ноябрда рухсат этилди. Формати 100 х 84 1/64 хажми2,5 шартли босма тобоқ Тиражи 2000 нусха. Офсет усулида босилди. Буюртма № 1858. Келишилган нархда сотилади.

Китоб «Андижон» нашриётининг компьютер марказида терилиб, саҳифаланди.
«Андижон» нашриёти босмахонаси, 710000.
Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71.

www.ziyouz.com kutubxonasi